Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 24 октябрь, сешанба. №130. (21.893). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ НЬЮ-ЙОРККА ЖЎНАБ КЕТДИ

22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида иштирок этиш учун АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига жўнаб кетди.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, дунё халқларининг ирқи, тили, маданияти ва маслагидан қатъи назар ҳуқуқий тенглигини ҳимоя этиш каби бир қанча масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — деди мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда. — Жаҳон халқларининг мўътабар минбари бўлмиш бу нуфузли ташкилотнинг ярим асрлик тўйи ана шу мақсадлар йўлида амалга оширилган ишларнинг ўзига хос сарҳисобидир. Шу нуқтаи нәзардан қаралганда, мамлакатимиз билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик муттасил ривожланиб бораётганини таъкидлаш керак.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиш маросимида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ҚЎШИЛИБ

«Оқ олтин — 95»

Жонажон Ўзбекистонимизнинг миришкор пахтакорлари марра томон тобора яқинлашмоқдалар. Пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этган хўжаликлар, туманлар ва вилоятлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бу муваффақиятларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва аъзоларининг ҳам улуши бор. Улар мустақил мамлакатимизнинг пахта хирмони учун астойдил меҳнат қилаётганларнинг биринчи қаторларида боришяпти. Халқ билан ҳамиша ҳамнафас партиямиз аъзолари пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишга кўмаклашиш билан бирга, деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирган ҳосилни йиғиб олишда бевосита иштирок этмоқдалар. Минг-минглаб фарғоналик, андижонлик ва наманганлик меҳнат аҳлини шу кунларда қўриқ Сирдарё ва Жиззах вилоятлари далаларида кўриш мумкин. Улар чўлқуварларга қимматли саноат хом ашёси — пахтамизни териб олишда яқиндан ёрдам беришяпти. Шуниси қувончлики, ҳашарчиларга ҲДП бошланғич ташкилотлари, туман кенгашлари котиблари ҳам етакчилик қилишмоқда. Чунончи, Наманган вилоятидан келган ёрдамчиларга бош-қош бўлаётганлар орасида партиямиз вилоят кенгаши иккинчи котиби А. Матмусаев бор.

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳар кенгашлари аппаратларининг ходимлари Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида пахтакорлар билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Ҳашарчилардан С. Собиров, У. Абдумаликова, О. Одилов, Л. Кочергаларнинг ҳар бири 60-70 килограммдан пахта териб, кўпчилик олқишини олдилар.

Умумхалқ ҳашари давом этмоқда. Партиямиз аъзолари бундан буён ҳам унда фаол иштирок этиб, мустақил Ватанимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни ўзларининг юксак фуқаролик бурчлари, деб биладилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ТАЖРИБАНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ, ИСТИҚБОЛНИ АНИҚ КЎРА БИЛИШ

Украина пойтахтида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлди. Илгари хабар қилинганидек, мамлакатимиз Президентининг бу китоби Тошкентдаги «Ўзбекистон» ва Санкт-Петербургдаги «Лениздат» нашриётлари томонидан уч тилда — ўзбек, инглиз ва рус тилларида кўп нусхада нашр этилган эди.

Киевдаги халқаро муносабатлар институтининг кенг, шинам залида ўтказилган учрашувга Украина раҳбарияти, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг вакиллари, Украина тадбиркорлари, мамлакатдаги дипломатия корпуси ходимлари, журналистлар тўпланишди. Учрашувни Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги муваққат ишлар вакили А. Аъзамхўжаев кириш сўзи билан очди.

Сўнгги тўрт йил якунлари, дейилди учрашувда, Иттифоқ тарқалиб кетганидан сўнг Ўзбекистон танлаб олган иқтисодий тараққиёт йўлининг тўғрилигидан ишонарли тарзда далолат бериб турибди. Аввало Президент Ислом Каримовнинг ўзи бу йўлни танлашнинг ташаббускори бўлди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда. Айни шу туфайли Ўзбекистон собиқ Иттифоқдаги кўп республикаларда ўтиш даврида юз берган салбий ҳодиса ва муаммоларнинг кўпчилигидан холи бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткичдир. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар модели жамиятда барқарорликни сақлаб қолишга, яқин йилларда иқтисодий жиҳатдан жадал юксалишнинг чинакам истиқболларини яратишга имкон берди.

Президент Ислом Каримов бирор ишни бошлашдан олдин унинг ижобий натижалари тўғрисида эмас, балки кўпроқ салбий оқибатлари тўғрисида ўйлайди, шу туфайли Ўзбекистонда ислоҳот ғояси обрўсизланмади, деди Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов китобни тақдим этар экан. Айни шу сабабли республикада бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, тадрижий равишда ўтиш йўли танланди. Ижтимоий йўналиш ва ислоҳотни давлат йўли билан бошқариш бу йўлнинг асосий қоидаларига айланди, ислоҳотлар дастури Ўзбекистон шароитига мумкин қадар тўла мослаштирилди.

Ўзбекистон Президентининг янги китобида айни шу тажриба батафсил кўрсатилган, дейилди учрашувда. «Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» деб аталган биринчи қисмда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини вужудга келтириш стратегияси ва йўлларини белгилаш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган, бозор иқтисодиёти ёрдамчи тармоқларининг барпо этилиши жараёнлари, нарх-навога эркин тус бериш, ташқи иқтисодий фаолиятга кенг йўл очиш, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш жараёнлари таҳлил этилган. Китобнинг «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари» деб номланган иккинчи қисмида мамлакатни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари аниқ белгилаб берилган.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг янги китоби тўғрисидаги ахборотни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Улар бу ерда ташкил этилган республикада иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига бағишланган кўргазма билан танишдилар, шу мавзудаги ҳужжатли фильмни томоша қилдилар.

Ислом Каримовнинг китоби тақдимотига бағишланган учрашувда Украина Президентининг маслаҳатчиси Д. Видрин, Украина Миллий Фанлар академиясининг академиги Ю. Пахомов, Ўзбекистон Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Голишев сўзга чиқди.

Давлатимиз бошлиғи китоби, тақдимотига бағишланган учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Украина ташқи ишлар вазири Г. Удовенко иштирок этдилар.

***

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби тақдимотида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги муваққат ишлар вакили А. Аъзамхўжаевни Украина Президенти Леонид Кучма қабул қилди.

Қабул маросимида Украина Президентининг маслаҳатчиси Д. Видрин ҳозир бўлди.

(ЎзА муҳбири).

ИШГА ҚЎНИМ—ХИРМОНГА УНУМ

Бу воқеани айтиш билан инсон лафзининг ҳалоллигини эътироф этмоқчиман.

Яқинда Дўстлик тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Турғунжон Иброҳимов билан Қосим Раҳимов номли ижара ширкатлари бирлашмасига бориб қолдик. Бирлашма директори Худойқул Холбеков «Илғор» ширкатининг механик-ҳайдовчиси Набижон Очилов 200 тонна пахта терган экан, унга даланинг ичида 2 минг сўм мукофотни топшириб, ёнимизга чиқди. Пешонасидаги реза-реза терни артаркан:

— Мана, ғалаба рапорти—режани бир ойда бажардик, — деди қувонч билан.

Вилоят ва туман ҳокимлари номига ёзилган ғалаба муждасида шундай дейилган эди: «Бирлашмамиз чўлқуварлари ҳар гектар майдондан 29,2 центнердан, жами 6230 тонна «оқ олтин» хирмони тиклаб, йиллик режани бажардилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 1200 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар».

Хушхабар сўнгида ҳосилдорликни гектар бошига режадагидан 2-3 центнер оширган Шодмон Турсунов, Холмўмин Қодиров, Эргаш Шокиров, Соат Бойбўсов каби ширкат бошлиқлари, 160—200 тоннадан зиёд пахта терган Набижон Очилов, Искандар Рўзиев, Малик Хўжаназаров, Умиджон Собитов, Баҳодир Соатов, Омонбой Шерматов сингари механик ҳайдовчилар шаънига олқишлар айтилган эди.

Дарҳақиқат, бирлашма пахтакорлари уч йилдан буён Жиззах вилоятида биринчилардан бўлиб белгиланган режани уддалаб келишяпти.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Дўстлик тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Турғун Иброҳимов ва бирлашма директори Худойқул Холбеков.

Муаллиф олган сурат.

„Оқ олтин" хирмонига

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 23 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,30**	**108,83**
ХОРАЗМ	**0,21**	**103,22**
НАМАНГАН	**0,46**	**101,43**
ФАРҒОНА	**0,57**	**100,16**
Навоий	0,74	97,34
Бухоро	0,65	95,79
Қашқадарё	1,03	90,00
Тошкент	1,06	89,71
Қорақалпоғистон Республикаси	0,76	82,46
Сурхондарё	0,85	82,40
Самарқанд	0,93	80,42
Сирдарё	1,10	77,45
Жиззах	1,00	75,16
Республика бўйича	**0,75**	**90,80**
1994 йилда	**0,94**	**87,38**

«Ўзбекистон овози» таҳририятига

ЗАФАР ШОШИЛИНЧНОМАЛАРИ

Навбаҳор тумани пахтакорлари эл хирмонига 29,5 минг тонна қимматли саноат хом ашёси армуғон этиб, йиллик режани бажаришди. Деҳқончилик қилинган 10 минг 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 28 центнердан пахта ҳосили кўтарилди. Туман заршунослари ялпи ҳосилни 31 минг тоннага етказиш ниятидалар.

***

Худди шундай Навоий тумани меҳнаткашлари ҳам зафар манзилига етиб келишди. Навоийлик пахта усталари қабул пунктларига 24 минг тоннадан ортиқ юқори навли «оқ олтин» етказиб беришди ва йиллик режани 101 фоизга уддалашди. Эришилган ғалабага «Ҳазора», «Маданият» «Нарпай», А. Навоий номли жамоа хўжаликлари аъзолари муносиб ҳисса қўшишди.

***

Шаҳрисабз тумани пахтакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 12 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Ҳосилдорлик ўртача 35,3 центнерни ташкил этди. Шаҳрисабзликлар яна минг тонна пахта топширишга аҳд қилди.

***

Бухоро вилоятининг яна икки тумани — Олот ва Вобкент туманлари ғалаба манзилига етди. Олотликлар 28 минг 600 тонна, вобкентликлар эса 31 минг 800 тонна «оқ олтин» топширди.

***

Оролбўйи минтақасидаги Қораўзак ва Кўнғирот туманлари деҳқонлари пахта топшириш режасини бажарди. Қораўзакликлар 10 минг 100 тонна, кўнғиротликлар 6 минг 400 тонна «оқ олтин» хирмони уйди. Ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

***

Фарғона вилоятининг бир йўла уч тумани — Тошлоқ, Данғара ва Й. Охунбобоев туманлари миришкорлари маррага етдилар. Тошлоқликлар мамлакатга 23,5 минг тонна, данғараликлар 30 минг 790 тонна, охунбобоевликлар 31 минг 700 тонна пахта топширдилар. Ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

***

Фарғона тумани пахтакорлари ҳам зафар қучди. Улар қабул пунктларига топширган «оқ олтин» 19 минг тоннадан ошиб кетди. Туман миришкорлари яна 1,5 минг тонна пахта топширишга аҳд қилишди.

***

Олтинсой тумани пахтакорлари эса давлатга пахта сотиш йиллик режасини Сурхондарёда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктига 12 минг 500 тонна «оқ олтин» топширилиб, ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнерга етказилди.

• Қулайлик

ҚИЗИЛҚУМГА ГАЗ КЕЛДИ

• НАВОИЙ (мухбиримиздан). Маълумки, асрий Қизилқум кенгликларидаги афсонавий шаҳарлар — Зарафшон ва Зафарободга ҳалигача табиий газ етиб бормаган. Мазкур ҳудуд аҳолиси асосан суюлтирилган газдан фойдаланишади. Эндиликда аҳолини табиий газ билан таъминлаш мақсадида кончилар, саноатчилар истиқомат қилаётган бу шаҳарларда газ қувурлари ётқизиш ва пайвандлаш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти.

Ана шу ҳатти-ҳаракатлар, амалий ишлар маҳсули булса керак, Зафаробод шаҳрига табиий газ етиб келди. Куни кеча Кукчатов оралигидаги бу агрошаҳарчада илк бор «зангори олов»нинг ёнишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингни Навоий тоғ-металлургия комбинатиг қарашли 5-кон бошқармаси директори Т. Рузиев очди. Шундан сўнг вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров сўзга чиқиб, йиғилганларни ушбу шодиёна билан қизғин табриклади. Ҳоким яқин вақт ичида Томдибулоққа, Бойтўрадга ҳам худди шундай табиий газ етиб боражагини, бунинг учун вилоят ҳокимлиги ва вилоят газлаштириш бошқармаси кенг кўламда ишлар олиб бораётганини таъкидлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА КИРИБ БОРАДИ

«Обуна — 96»

Қўқондаги Исфарагузар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Нурулла ҳожи Абдуллоҳ ўғли маҳалла фаоллари йиғилишида:

— «Газета-журнал кирган хонадонга зиё, билим, маърифат ташриф буюради, — деди. — Айниқса, «Ўзбекистон овози» газетаси халқимиз маънавий қадриятларини улуғлаш, тарихимизнинг яхши ўрганилмаган саҳифаларини ёритиш, Исломий меърос ва урф-одатларимизни таргиб этиш, одоб-ахлоқ хусусидаги бамаъни, баркамол мақолалари билан эл ҳурматини қозонган отахон нашр. Афсуски, иқтисодий қийинчилик боис айрим кишиларда шу газетага обуна бўлиш имкони йўқ. Келинглар, маҳалладаги мавжуд хусусий корхона, фирмаларга мурожаат этайлик. Улар маҳалла йиғини биносида газета тахлами тайёрлаш учун, шунингдек, айрим фахрийлар, маҳалла фаолларининг бепул обуна бўлишлари учун ёрдам берсинлар».

Йиғин аҳлига бу фикр маъқул келди. Бу ерда ҳозир бўлган хусусий корхона ва фирмалар раҳбарлари ушбу мурожаатни қўллаб-қувватлашди. Маҳалладаги «Роҳат» ишлаб чиқариш савдо фирмаси маҳалла фаолларидан 20 кишини ўз ҳисобидан «Ўзбекистон овози»га йиллик обуна этишга қарор қилди. «Гарон», «Синдбод» ва бошқа фирма ҳамда дўконлар жамоалари ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Исфарагузар маҳалласи фаоллари ташаббуси Қўқон шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашида ҳам маъқулланди. Шаҳардаги мавжуд 61 та маҳалла йиғинларига бу ташаббусни ўзларида жорий этиш тавсия этилди. Ҳозирда ўнлаб фирма ва корхоналар, дўконлар мутасаддилари маҳаллалар йиғинлари, фаоллар ва фахрийларни 1996 йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилишга киришганлар. УзҲДП Қўқон шаҳар кенгаши ижроия бюроси Исфарагузар маҳалласи фуқаролар йиғини ташаббусини маъқуллаб, шаҳардаги барча ҲДП бошланғич ташкилотларига, фаолларига бу ташаббусни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш вазифасини топширди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



ТОШКЕНТ ҚАНОТЛАРИ

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган «ИЛ-76 МФ» янги транспорт самолёти Подмосковьедаги халқаро аэрошоуда барча экспонатлар орасида ярқ этиб кўзга ташланди. Бу бежиз эмас, албатта. Янги ҳаво кемасининг узунлиги 53 метр. Бу — одатдаги шунга ўхшаш самолётлардан 6,6 метр узундир. Бизнинг «Ил»ларимиз 50 тоннадан зиёд юкни бемалол кўтара олади.

Жаҳонда самолётлар ишлаб чиқарадиган давлатлар унчалик кўп эмас. Мустақил Ўзбекистон пойтахтида ишлаб чиқарилаётган янги «Ил»лар мамлакатимизнинг илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан яққол далолат бериб турибди. Шуниси қувончлики, Тошкентда тайёрланаётган бу ҳаво кемалари жаҳон транспорт авиациясининг шу тоифадаги ҳаво кемалари ўртасида олдинги маррада турибди.

СУРАТДА: йиғув цехида.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МЕҲНАТ ҚИЛИБ МАРДОНА, ЗАФАР ҚУЧДИНГ ФАРҒОНА!

«Оқ олтин — 95»

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛДИ

Баҳромжон ЭРГАШЕВ,
Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари

Фарғона пахтакорларининг бу йилги меҳнат зафарлари заминида аввало деҳқонларимизнинг билими, тажрибаси, эрта баҳордан то кеч кузгача қилинган фидокорона меҳнат ётади. Вилоят ҳокимлиги, агросаноат мажмуи мутахассислари, деҳқонларимиз 1995 йилда мўл пахта ҳосили олиш учун ҳар тарафлама шароит яратиш ишларини ўтган йил кузидаёқ бошлаган эдилар. Бўлғуси пахта майдонлари барвақт шудгорлаб қўйилди. Буғдой — маккажўхори — пахта алмашлаб экилишига катта аҳамият берилди. Хўжаликлар раҳбарлари минерал ўғитлар нархи ошган бир пайтда далаларга кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит чиқаришни ташкил этишди.

Эрта эккан ютуққа эрта эришади, дейишади. Вилоят пахтачилиги тарихида бу ҳикмат кўп марта ўз тасдиғини топган. Бу йил ҳам ерга барвақт чигит эккан туман ва хўжаликларда ҳосил эрта етилди. Илғор хўжаликларда қатор ораларига ишлов бериш апрелнинг бошидаёқ бошланган эди. Бироқ бу йилги ғўза парвариши мавсуми ҳам қийинчиликлардан ҳоли бўлмади. Ўта иссиқ ва қуруқ келган ёз ойларида юз берган сув танқислиги анчагина ташвиш туғдирди.

Мана шундай шароитда вилоятдаги ҳар бир туман ва хўжаликнинг сувга эҳтиёжи чуқур ўрганиб чиқилиб, энг чанқаган пайкалларга сув бериш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Етиштирилган ҳосилни сақлаб қолишга эришилди.

Ғўза зараркунандалари ва ҳашаротларга қарши қурашда заҳарли кимёвий моддалар ишлатилишига деярли барҳам берилди. Пахта йиғим-терими мавсумига ҳозирлик пухта ташкил этилди. Август ойи бошларидаёқ мавжуд техника тўла таъмирланиб, пахта тайёрлов пунктлари, хирмонлар, дала йўллари тўла-тўкис созлаб қўйилган эди. Хўжаликларда мавсум учун етарли даражада ёнилғи мойлаш маҳсулотлари ғамланди. Теримчиларнинг мавсум давомида унумли меҳнат қилишлари учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилди. Дала шийпонлари ҳозирланди. Жамоа ташкилотлари, маданий оқартув, тиббиёт муассасалари ҳам теримчиларга хизмат кўрсатиш бўйича уз тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Теримнинг дастлабки кунларидаёқ суръатга зўр берилди. Пахтакорлардан ҳосил қанча тез ва соз йиғиб олинса, сифати яхши бўлса ҳар бир хўжалик, ҳар бир хонадон даромади янада ошишига ишонч мавжуд эди. Олтиариқ, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Охунбобоев, Фарғона, Бағдод, Тошлоқ туманларида теримнинг оқилона ташкил этилиши, дала меҳнаткашларининг моддий ва маънавий рағбатлантиришни яхши йўлга қўйилиши натижасида ҳосил барвақт ва юқори навларда йиғиштириб олинди. Табиат инжиқликларига қарамай далаларимизда мўл ҳосил етиштирилганлиги хирмон кўтарилганда маълум бўлди.

Тошлоқ туманидаги А. Розиқов номли жамоа хўжалигининг мамлакатимиз деҳқонлари орасида биринчи марта «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган тажрибали деҳқон К. Мамажонов, Бағдод туманидаги «Бағдод» жамоа хўжалигининг М. Ўсаров бошлиқ ва бошқа кўплаб бригадаларда ҳар гектардан 45—50 центнердан ҳосил олинди. Бувайда туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта йиғиб олинди. Олтиариқ туманидаги Қўзибоев ва Отақулов номли, Бешариқ туманидаги Рапқон, Данғара туманидаги Худойбердиев номли, Бағдод туманидаги «Бағдод», Охунбобоев туманидаги Умаров номли, Фарғона туманидаги Бобур номли ва бошқа ўнлаб жамоа хўжаликларида ҳам ҳосилдорлик юқори бўлди.

Вилоят пахтачилигида эришилган умум натижаларимиз ёмон эмас. Вилоят бўйича ҳар гектар ердан 29,5 центнердан ҳосил олиниб, 375 минг тонна «оқ олтин» тайёрланди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Далаларда ҳали ҳосил бор. Пахтакорларимиз бамаслаҳат пайкалдаги ҳосилни чамалаб чиқиб, давлатга яна 25 минг тонна пахта етказиб беришни режалаштирган.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бирмунча ижобий натижаларга эришди. Айниқса, республикамиз ғалла мустақиллигини таъминлаш учун қилинаётган ҳаракатларда биз фарғоналикларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Бу йил вилоятимизда ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ғалла олинди. Кўпгина хўжаликларда бу кўрсаткич 45—50 центнерданни ташкил этганлиги бу борада ҳали имкониятлар кўплигидан далолат беради. Жорий йили бошоқли дон экинлари майдонларини кўпайтириш, дон экишда илғор технологияни қўллашга катта эътиборни қаратдик. 102 минг гектарга сара кузги дон экилиб, бу борадаги режа муддатидан илгари адо этилди. Ғалла экилган майдонларнинг асосий қисми ҳозирда яшил тусга кирган. Уларни ўғитлаш, суғориш давом этмоқда. 1996 йили ҳар гектар ердан ўртача 40 центнердан ғалла ҳосили олсак, вилоятда четдан дон келтиришга ҳожат қолмайди. Халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади. Бу йил мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳам мўл бўлди. Айни пайтда халқимиз дастурхонини қиш ойлари ҳам она заминимиз неъматлари билан тўлдириш учун тайёрлаш-ғамлаш ишлари қизғин кетяпти. Фарғона меҳнаткашлари, қўли гул деҳқонларимизнинг довруғи оламга кетган. Бу йилни ҳам улар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан ютуқлар билан якунлашлари шубҳасиз.

Моддий манфаатдорлик бор жойда муваффақият ҳам бўлавераді. Бу йилги шароитда қўлда терилган пахтага тўланадиган ҳақнинг оширилиши ўн минглаб теримчиларни далага чорлади. Шу боис вилоят хирмонига тезда барака кирди. Тошлоқ туманидаги Ҳ. Маразиқов номли жамоа хўжалигида ҳам шундай бўлди. Кўпмингкилограммчилар сони кўпайиб кетди.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов бошлиқ бригадада чевар теримчиларнинг кўрсаткичи юқори. Улар мавсум давомида 8—10 тоннадан пахта териб, кўпчиликка ибрат бўлишди. Дилдора Юнусова ва Дилором Ҳадятуллаева шулар жумласидандир. Бу икки дугона ўзаро мусобақалашиб, илғорликни ҳеч кимга беришгани йўқ. Чеварларнинг ҳар бири мавсум давомида 10 тоннадан зиёд пахта теришди ва ўз оилалари жамғармасига барака киритишди.

СУРАТДА: Дилдора Юнусова билан Дилором Ҳадятуллаева.

Р. АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тўрт йиллиги олдидан

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Ўзбекистон ХДП Хатирчи туман кенгашининг биринчи котиби Рустам Ботиров билан суҳбат

— Туманда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, унда ХДП нинг амалий кўмаги хусусида фикр юритсангиз?

— Хатирчи Навоий вилоятидаги энг йирик ва кенг тармоқли туманлардан саналади. 17 миллат ва элатга мансуб 138 минг аҳоли истиқомат қилаётган туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштирмай туриб, бозор муносабатларига дадил кириб бориб бўлмайди. Шу боис туман ҳокимлиги партиямиз билан узвий ҳамкорликда хусусийлаштиришни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, якка деҳқон-фермерларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Туманда 300 га яқин у ёки бу маҳсулот тури ишлаб чиқарадиган кичик ва қўшма корхоналар, 302 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мақсадида юзлаб маданий-маиший биноолар, савдо шаҳобчалари хусусийлаштирилди.

Энг муҳими туманда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида ижобий силжишлар бўлаётганлигидир. Кейинги 2 йил ичида туман қишлоқларига 497 километрдан ортиқ газ қувурлари тортилди ва 13 мингдан ортиқ хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Аҳолининг қарийб 50 фоизи тоза ичимлик сувига эга. Бироқ аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласида ҳали кўп иш қилиниши керак. Олис қишлоқлардаги ишсизлик саноатни қишлоққа олиб келишни тақозо этмоқда. Ана шу мақсадда жойларда 27 кичик ғишт заводлари, ўнлаб гилам тўқиш цехи ташкил этдик. Бундан ташқари, консерва цехлари, макарон, қандолат ишлаб чиқариш кичик корхоналари қуришни ҳам жадаллаштиряпмиз. Мақсад аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофазалашдир.

— Рустам Ботирович, маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилгандан буён туман кенгашининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатяпсиз. Шундай экан, ушбу партиянинг туманда тутган ўрни ва нуфузи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ҳуқуқий ва демократик давлат тизимининг асосий пойдевори бу — мустақилликдир. Истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистон жаҳонга танилиб, келажаги буюк давлат тарзида шаклланмоқда. Бу ўринда сиёсий партиялар, жумладан ўз дастури ва мафкураси жиҳатидан асосий кўпчиликнинг қалбига йўл топган Халқ демократик партияси муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур сиёсий ташкилотнинг ташкилий даври ҳам, юқорида айтганимиздек, мустақиллик билан уйғундир. Истиқлол бу партияни ташкил этди ва тетапоя қилди. Шундай экан бу партиянинг обрўси ҳам, нуфузи ҳам ошиб бориши муқаррар.

Буни қўйидаги рақамлардан ҳам яққол билиб олиш мумкин. Масалан, кейинги уч йил ичида икки мингдан ортиқ киши ихтиёрий равишда, ўз эътиқоди билан ХДПга аъзо бўлиб кирди. Натижада сафимиз ортиб, кенгашимизга уюшган жами партия аъзолари сони 2900 нафардан ошиб кетди. Шунингдек, ташкилий даврларда 40—45тадан ошмаган бошланғич партия ташкилотлари сони ҳам 80 тага етди. Айниқса, олис ҳудуд ва минтақаларни қамраб олган ҳудудий партия ташкилотлари кескин кўпайди. Худди шу ўринда қўйидаги савол туғилиши табиий. Нима, гап фақат сондами? Йўқ, албатта! Партиявий жипсликни, интизомни сон эмас, кўп жиҳатдан сифат белгилайди. Биз жойлардаги ҳар бир йиғилишда, суҳбатлар, мулоқотлар давомида партиявий ишдаги суръат ва сифат ҳақида қайта-қайта таъкидлаймиз. Озгина-созгина бўлишликни ния этамиз. Амалий хатти-ҳаракатларимиз тасдиғини топаётгандирки ўтган 1994 йилда 670 киши, жорий йилнинг ўтган 7 ойида эса 300 киши сафимизга қўшилди. Аъзоларимиз асосий кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Сафимизда Ражаббиби Қулмуродова, Аҳмад бобо Шарипов каби 95—100га кирган пиру бадавлат қарияларимиз борлигидан фахрланамиз. Улар ёшларнинг маслаҳатгўйи ва устози ҳамдир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Музаффар ШАРОПОВ суҳбатлашди.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЛАТВИЯ БИЗНЕСИ КУНЛАРИ

Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига қилган давлат сафари ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада ривожланишида янгидан-янги истиқболлар очиб берди.

Эртага «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистонда Латвия кунлари» очилиши фикримизнинг исботидир. Шу муносабат билан кеча кўргазмалар масканида журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Андрис Вилцанс «Ўзбекистон овози» газетасининг махсус мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Латвия бизнеси кунлари доирасида ўтказиладиган Латвия товарлари ва хизмати кўргазмасида 40 дан ортиқ корхона ва фирма қатнашади. Кўргазмада ёғочни қайта ишлаш, мебель, тўқимачилик, пойабзал, парфюмерия, машинасозлик, автомобилсозлик, электр техникаси маҳсулотлари намойиш қилинади. Бу ерда савдо компаниялари ҳам ўз таклифлари билан қатнашишади.

Латвия ўтган йили Ўзбекистонга 11 миллион доллар ҳажмида товарлар экспорт қилди. Бу менинг мамлакатим умумий экспортининг 1 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, Латвия денгиз портлари орқали Ўзбекистон юкларини Европа мамлакатларига ташиш ҳам бирмунча кўпайди. Бу рақамлар ҳали чегара эмас. Ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятидан кўп яхши натижа кутиш мумкин.

1992 йилнинг ноябрида Тошкентда Латвия элчихонаси очилган бўлса, ҳозирда Ригада Ўзбекистон элчихонаси очилганлиги айни муддаодир. Дўстлик ва иқтисодий алоқаларимиз янада барқ уриб ривожланиши учун ҳар икки томон самарали одим қўймоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган Бош Ассамблеянинг олий даражадаги тантанали йиғилиши 24 октябргача давом этади. Тантанали йиғилишда 150 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг иштирок этиши кўзда тутилган. Ушбу анжуманни ўтказиш учун жаҳон ҳамжамияти ўз хазинасидан 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Анжуман давомида ҳукуматлар делегацияларининг ўзаро икки томонлама учрашувларини ўтказиш учун ҳам қулайликлар яратилган.

***

НАТО Бош котиби ёрдамчиси Герхард Фон Молтке бошчилигидаги Шимолий Атлантика ҳарбий блоки делегацияси 20 октябрь куни Чехия Республикаси раҳбарияти билан учрашиб, музокаралар ўтказди. Унда НАТОни Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайтириш масаласи муҳокама этилди. Мазкур делегация аввалроқ Венгрия, Украина, Польша, Беларусь ва Болтиқбўйи давлатларига ҳам ташриф буюрган эди.

***

ЕВРОПАДА Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Тоғли Қорабоғдаги можарони бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш тадбирларини яна давом эттиришга қарор қилди. ЕХҲТнинг Женевадаги учрашувида ана шундай фикрга келинди. «Агар Тоғли Қорабоғдаги муаммо сиёсий жиҳатдан ҳал қилинганда эди, ЕХҲТ можаро юз бераётган мазкур ҳудудга тинчликни таъминлаш кучларини юбориш учун аниқ чора-тадбирлар қўллаган бўларди», деб баёнот берди Венгрия ташқи ишлар вазири Ласло Ковач. Унинг сўзларига қараганда, Тоғли Қорабоғда ҳали сиёсий келишувга эришилмаган.

ЕХҲТнинг «учлик» йиғилишида Венгрия, Швейцария ва Италия вакиллари иштирок этмоқда. Маълумки, жорий йилда ЕХҲТга Венгрия раислик қилмоқда. Ўтган йили Италия ушбу вазифани адо эттан бўлса, 1996 йилда раислик курсини Швейцария эгаллайди.

***

АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Босния ва Герцеговинадаги вазиятга доир баёнот берди. У Боснияда вазият барқарорлашаётганини айтиб, «ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартномага мамлакат ҳудудининг 95 фоизида амал қилинмоқда» деб таъкидлади.

***

ПОКИСТОН пойтахти Исломобод ва мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида сиёсий мухолифат тарафдорларининг оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Беназир Бхутто раҳбарлигидаги мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг зудлик билан истеъфо беришини талаб қилдилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

ҚИРҒИЗИСТОНнинг мулк биржаси Евроосиё мулк биржасига аъзо бўлди. Биржа кенгашининг раиси Чинорбек Отинчиевнинг айтишига қараганда, Қирғизистоннинг мулк биржаси жаҳон миқёсидаги молиявий ташкилотлардан бири, деб топилган. Бу фикр Истамбулда ўтказилган йиллик ассамблеяда таъкидлаб ўтилган. Албатта Қирғизистон биржаси Истамбул ёки Теҳрон биржаларидек катта тажрибага эга эмас. Лекин шунга қарамай унинг тажриба ва имкониятлари ошиб боришига шубҳа йўқ.

***

ЯҚИНДА Қирғизистон Республикаси ҳукумати билан «Силк Роул Голд» («Буюк ипак йўли олтини») корпорацияси изидан Ўш вилоятида олтин излаб топиш ва уни қайта ишлаш бўйича шартнома тузилди. Бу ишда нидерландияликлар молиявий ёрдам беришади, АҚШ ва канадаликлар эса техник жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар. Яқин келажакда Қирғизистон ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида Қирғизистон — Америка — Нидерландия қўшма корхонаси ташкил этилади.

***

ТОЖИКИСТОН Республикаси Президенти яқинда янги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармонга кўра 1996 йилнинг 1 февралидан бошлаб мамлакат фуқароларига шахсан фойдаланиш учун 50 минг гектар суғориладиган ва лалми ерлар тақсимлаб берилади. Ҳар бир кишига 0,15 гектар суғориладиган ва 0,5 гектар лалми ер берилиши мумкин.

Ушбу Фармоннинг бажарилиши мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиши, айниқса дон маҳсулотларини кўпайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда. Ваҳолонки, узини-ўзи буғдой, картошка ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятига эга бўла туриб, Тожикистон 360 минг тонна буғдойни яқин ва узоқ хориждан келтиришга мажбур бўлмоқда.

***

АШГАБАДДА Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовга Ҳиндистон Республикасининг собиқ Президенти Гиани Зайл Сингх томонидан таъсис этилган «Халқаро бир-бирини тушунганлиги учун» мукофоти топшириладиган бўлди. Жамғарма бош директорининг мактубида айтилишича, бу мукофот Ниёзовга «Туркманистоннинг халқаро муносабатларни, жумладан Ҳиндистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун» бериладиган бўлди. Илгари бундай шарафга Швейция Бош вазири Улоф Пальме, Маврикия раҳбари С. Пангулам ва Аргентина Президенти Рауль Алфонсинг сазовор бўлишганди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Турмуш сўқмоқларида

АЧЧИҚ ҚИСМАТ

Орифжон оилада ёлғиз фарзанд. Ота-онаси уни еру-кўкка ишонмай ўстиришди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ у тиришқоқлиги, фанларни яхши ўзлаштириши билан ўртоқларидан ажралиб турарди. Мактабни тугатган йили институтга ўқишга киролмади. Ўша йили Ҳанифа хола Орифжонни йўқ дейишига қарамай шаҳарлик Асила деган қизга уйлантирди. Уларнинг тўйлари бежиримгина ўтди. Келин келди-ю Маҳмуд ота хонадонига ўзгача файз, қут-барака киргандек бўлди. Келин-куёв аҳил турмуш кечира бошлашди. Буларни кўрган ота-онанинг қувончлари чексиз, эрта-ю кеч уларни дуо қилишарди. Асила қишлоқ шароитига тезда кўникди. Рўзғор қилиш, кир ювиш, ун қориб нон ёпиш — ҳамма юмушни бекаму кўст бажарарди.

Орадан икки ой ўтгач, куёв ҳарбий хизматга чақирилди. Энди улар учун ширин ва изтиробли ҳижрон дамлари бошланди. Айниқса, Асилага қийин бўлди. У кечалари ҳам хаёлан Орифжон билан бирга бўлар, уни тушларида кўрар, намли кўзларини очарди-ю, тушакда ёлғиз ётганлигини, юмшоқ ўриндиқ унинг нозик баданларига қаттиқ ботаётганлигини ҳис қиларди. Орифжонни кузатганига эндигина бир ой бўлибди. Ҳали олдинда қанча бедор тунлар, қанча интизор кунлар бор. Ўтган бир ой ичида унинг юзлари синиқди, кўзларида қандайдир мунг пайдо бўлди. Қайнота-қайнона эса ҳамон келинларига гиргиттон.

— Ҳа, болам элга келган тўй экан-да, нима ҳам қила олардик. Ҳадемай икки йил ўтадиketади. Орифжонни кўп ўйламанг, бунақада ўзингизни олдириб кўясиз, — деб унга тасалли берардилар. Лекин бундай таскин Асиланинг юрагига малҳам бўлолмасди.

Орифжон унга соғинганлигини, худо хоҳласа бу кунлар албатта ўтиб, бахтли бўлишларини тез-тез ёзиб турарди. Хат келган кунлари Асила учун байрам бўлар, уларни қайта-қайта ўқиб роҳатланар, ўзи ҳам Орифжонга тез-тез юрак сўзларини юбориб турарди.

Лекин, ҳамон кунлар зерикарли, ҳаёт файзсиздек эди. Йўқ!.. Бундай яшаб бўлмайди. Кечаю кундуз Асила ўзини худди қафасдаги қушдек сезадиган, уй унинг кўзига зиндон бўлиб кўринадиган бўлиб қолди.

— Бирор жойда ишласам. Буларни унутаман. Одамнинг тафтини одам олади-ку, ахир, — деб ўйлади у. Охири қайнонасига ёрилди... Ҳанифа хола аввалига келининг гапларига рад жавобини бермоқчийди, аммо, уни бир аҳволда кўриб, яна кўнди.

Асиланинг магазинда ишлай бошлаганига ҳам тўрт ойча бўлиб қолди. У иш билан овора бўлиб куннинг қандай ўтаётганини ҳам сезмасди. Янги танишлар, янги иш жойи. Айниқса, хушчақчақ ва ҳазилкаш Алишер Асилага ёқарди. У бир неча марта Асилани уйигача кузатиб қўйди. Унга байрам муносабати билан яхшигина совға ҳам берди. Бир кеча Асила туш кўрди. Тушида Алишер билан тўйлари бўлаётган эмиш. У кеча олган янги костюм-шимда яна тўлишгандек эди. Шу пайт туйҳонага ҳарбий кийимда Орифжон кириб келибди... Асила чўчиб уйғонди. Хайрият, туши экан. Кейинги пайтларда у негадир Орифжон билан Алишерни қиёслар, бундан ўзи ҳам ажабланарди. «Нималар бўляпти, менга?» — Орифжон эримку, аммо Алишер...

Кунларнинг бирида Алишер Асилани туғилган кунига таклиф қилди. Зиёфатдан сўнг боғ айланишди. Асила ўзини қушдек енгил ҳис қилар, ҳаяжонланарди. Шундан сўнг у тез-тез эътибор қилмасди. Энди Асила учун ўз эридан ҳам Алишер янада яқиндек бўлиб қолди. Аммо, бу яқинлик бир умрлик эмасди, бир лаҳзалик эди, холос. Бир гал Алишер ичиб келди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Уларнинг «тунги суҳбати» Асиланинг хиёнати-ю, Алишернинг ўз мақсадига эришиши билан тугади...

Ҳа, оппоқ либосда товусдек товланиб келган Асила ўз хонадонига, ўз ёрига хиёнат қилди. Ота-онасини, қайнота-қайнонасининг юзини ерга қаратди. Орифжоннинг ишончи-ю, қилган орзуларини саробга айлантирди. Маҳалла-кўйда турли миш-мишлар тарқалди. Ҳанифа хола бу иснодга чидолмай, Орифжоннинг келишига яқин қолганда оламдан ўтди. Маҳмуд отанинг қадди букилди.

...Энди у икки ўт орасида ёнарди. Аммо кеч бўлганди. Нима қилиб қўйдим ахир. Эртаиндин Орифжон келса унга нима дейман? Мени деб неча ойла хароб бўлди. «Отасиз» туғилажак фарзанд-чи? Нима қилай? Мана саккиз ойки ўз онам ҳам норизо. Отам гаплашмайди. Номард, алдамчи Алишер шушу қорасини ҳам кўрсатмади. Ишдан ҳам бўшадим.

... Орифжон ҳарбийдан қайтар экан Асилани ўйларди. Кейинги пайтда у негадир бирорта ҳам хат ёзмади. Нима бўлганда ҳам тинчлик бўлсин-да. Эртага у қадрдон қишлоғига, киндик қони тўкилган хонадонига, меҳрибон ота-онасию, мунис ёрининг олдига боради. Асила уни қандай кутиб оларкин? Шуларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказаркан, у севикли ёри учун олган совғаларини яна бир бор кўздан кечирди.

Эрталаб у қишлоғига кириб келди. Улар ҳовлисида одам гавжум эди. Юраги ҳапқириб кетди... Бугун Ҳанифа холанинг йиғирмаси эди. У зорзор йиғларди. Онасини сўнггги йўлга ҳам кузатолмади.

— Бечора онам, сизни сўнггги бор кўролмадим-а...

Негадир уйда Асила кўринмасди. Орифжон уни соғинган, кўргиси келарди. Афсус! Минг афсус... У бўлган воқеаларни тоғасидан эшитди-ю, вужуди музлагандек бўлди. Қулоқлари эшитмас, ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди. Наҳотки, Асила шунчалик тубанликка борган, бевафолик қилган бўлса... Наҳот ҳам мушфиқ онамдан, ҳам гўзал Асиламдан жудо бўлсам? Аммо бу ҳақиқат эди.

Асила касалхонада шу кеча ўхлаёлмади, тўлғониб чиқди. Тушида яна Алишер билан тўйлари бўлаётган эмиш... Эрталаб дугонаси Орифжоннинг кеча армиядан келганлигини айтгандан сўнггина бахтиқаро Асила тушининг сирини англагандек бўлди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Туркистоннинг жасур аёллари

«АЁЛ ЖАНГГА КИРСА...»

ЁКИ ШАКАРХОН АСЛИ КИМ ЭДИ?

Кўҳна Туркистон тарихи юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашган ботир қаҳрамонлар шавкатидан нурланиб туради. Ўтмишимизга назар солсак, эроний босқинчиларни ўзини қурбон қилиш эвазига юртдан узоқлаштирган Широқ, Искандар Зулқарнайндек буюк лашкарбошини зир титратган Спитамен, Маҳмуд Торобий, Темур Малик ва Шаҳзода Жалолиддинлар қаторида юртимизнинг шерюрак қизларини ҳам кўрамиз. Тўмарис ва Қурбонжон Додҳо тақдирлари орасида ўтган минг йиллар давомида нене аёл қаҳрамонлар етишиб чиқмади. Неча йиллар рус босқинчиларига тинчлик бермаган Олойнинг жасур маликаси Қурбонжон Додҳони эслайлик. Очиқ жангларда енга олмаган Кауфман унинг шартларини қабул қилганидан сўнггина тоғларнинг эркин қизи курашни тўхтатган эди. Кауфман ноилож қолиб Россия империяси тарихида биринчи марта Фарғонанинг мард аёлига рус армиясининг полковниги унвонини беришга мажбур бўлган.

Хўш, истиқлол учун қурол кўтариб чиққанлар сафларида Тўмарису Қурбонжон Додҳоларнинг ворислари— аёллар ҳам бўлганмиди? Биз Тожихон Шодиевани, Шамсиқамар Ғойибжоновани, Тўрахон ая Иброҳимовани ва бошқа ўнлаб қўрқмас аёлларни яхши биламиз. Улардан бири фарғоналик Шакар қўрбошидир.

Биз хотиралар ва архив маълумотлари асосида бу аёл ҳақидаги ҳақиқатни тиклашга аҳд қилдик.

Шакар қўрбоши аслида Олтиариқнинг Полосон қишлоғидан бўлган. Бу ерда ҳозир ҳам унинг қариндош-уруғлари яшашади. Отаси уста Холиқбой узоқ йиллар Олтиариқ бозорида оқсоқоллик қилган. Уста Холиқбой Россияга пахта, ўрик жўнатган, обрўли ва бадавлат одам бўлган.

Шакархон отасининг эркаси, мағрур ва гўзал қиз эди. Қўқонлик йигит, кўнчи бойлардан бири Отажон бойвачча унга совчи қўяди. Шакархон қўқонлик йигитга тегишга рози бўлади. Лекин бир шарт билан: у Олтиариққа кўчиб келса! Бироқ Отажон бойвачча унамайди. Икки ўртада ўтган анча бордикелди, тортишувлардан сўнг ўрта йўл топилади: Отажон бойвачча Олтиариқ ва Қўқон оралиғидаги Қайрағоч қишлоғидан ҳовли-жой қилиб, шу ерга кўчиб келишга ва келинни Қайрағочга олишга рози бўлади.

Ҳа, Шакархоннинг қатъийлиги, одамларни ўз ҳукмига бўйсундира олиши, йўлбошчилик хусусиятлари, мардлик ва чўрткесарлиги ўша пайтдаёқ шаклланган экан.

Қайрағоч қишлоғидан сотиб олган ҳовли-жойини Отажон бойвачча катта кўрғон қилиб ўрайди. Болахонали уйлар солади. Кенг ҳовли ўртасида ҳовузлар бўлиб, бу ҳовузларда тери ивитилар, 10—15 хизматкор уларни тозалаш, тайёрлаш билан шуғулланарди. Бойвачча тижорат ишлари билан кўп вақтини саёҳатда ўтказар, катта хонадоннинг бекалигини асосан Шакархон бошқарар эди. У йирик гавдали, кучқувватга тўла етук жувон эди. Ғаплари ҳам чўрткесар, эзмалик, майдагапликни ёқтирмасди. Айтишларича, у қизлигидаёқ яхши чавандоз бўлган. Турмушга чиққандан сўнг ҳам бу одатини ташламаган. Қайрағоч қишлоғи атрофидаги аҳоли от миниб юрадиган бойвуччани яхши билишар эди. У баъзан от чоптиришда қишлоқнинг энг чапдаст чавандозларини ҳам ортда қолдириб кетарди. Баъзан Қайрағоч пастларидаги чакалак ва тўқайзорлардан отиб олган қуёнларини от ёнига осилтириб келарди. У мерган овчи ҳам эди-да.

Отажонбойнинг ўктам, шаддод рафиқаси маҳалла аёлларининг бошлиғи, тўй-маъракаларнинг кайвониси ҳисобланарди.

Отажон ва Шакархонлар уч қиз ва бир ўғил кўрган. Ёлғиз ўғли Одилжон жангарилиги, қўрқмаслиги, бақувватлиги жиҳатидан онасига тортган эди. Саводли, маърифатли бу йигит замона аҳволини яхши тушунар, дунёнинг паст-баландини пухта биларди.

1916 йил. Биринчи жаҳон урушининг чўзилиб кетиши оқибатида Фарғона қишлоқларида етишмовчилик, очарчилик бошланиб қолди. Мардикор олиш воқеалари пайтидаги халқ исёнидан сўнг кўпчилик турли томонга қочди. Ўша пайтдаёқ пахта етиштиришга ихтисослаштирилган Фарғонага дон Россиядан келар, кейинги вақтда уям кескин камайганди. Буларнинг ҳаммаси халқ ўртасида бесаранжомлик, ҳукуматга ишончсизликни келтириб чиқарди. Ўғри—талончилар гуруҳлари пайдо бўлди. Шулардан бири Содиқ қўрбоши исмли бир каззоб бўлиб, у бой-бадавлат кишилар хонадонларини талаш, бегуноҳ одамларни ўлдириш билан ном чиқарди. Шу йили Отажон бой вафот этган, катта рўзғорнинг боши бўлиб Шакархоннинг ўзи қолган эди. Юқоридаги Содиқ қўрбошининг йигитлари бир-икки марта унинг яйловидаги қўй-сурувларини ҳайдаб кетди. Бир марта даладаги чорвоғини талашди ҳам. Шакархон юқорида айтганимиздек дадил ва мағрур жувон эмасми, у ҳам содиқ хизматкорларига қурол бериб ўз қишлоғи, хонадонини босқинчидан ҳимоя қилишга чоғланди. Николай подшо тахтдан ағдарилиб, юрт алғов-далғов бўлган кунларнинг бирида Содиқ қўрбоши йигитлари билан Шакархоннинг қўрасига ҳужум қилади. Жасур аёлнинг йигитлари ҳам шай туришган экан, қаттиқ жангдан сўнг Содиқ қўрбоши қочишга мажбур бўлди.

Бу орада Олтиариқдан Тўйчи қўрбоши бош кўтариб чиқди.

1918 йилнинг ёзи. Тўйчи қўрбошининг Тошкўрғондаги уйига 20-30 қуролланган йигит ҳамроҳлигида чақмоқ телпак кийиб, ёнига қилич осган, кўкрагига патронтош тақиб олган бир баҳодир жангчи кириб келди. Салом-аликдан сўнг:

— Мен Сизни танийман, — деди у киши. — Олтиариқни ўғри-қароқчилардан ҳимоя қилишда катта хизмат кўрсатяпсиз. Аммо бизнинг Қайрағочга ўхшаш чекка қишлоқлар аҳолиси додига ким етади? Майда-чуйда қароқчи тўдалар кун бермаяпти. Ҳар куни талон-торож, мусулмонларнинг мол-қўйи, жонига ҳам дахл қилишяпти. Биз қўлимиздан келганича қаршилик кўрсатяпмиз. Аммо кучимиз кам. Ёрдам беришингизни сўраймиз.

— Сиз ким бўласиз?

— Мен Отажонбойваччанинг беваси Шакархонман...

— Ахир, Сиз... Аёл бошингиз... деди-ю Тўйчи қўрбоши ҳам довдираб қолди. Чунки у Шакархон билан Содиқ қўрбоши ўртасида бўлиб ўтган воқеаларни эшитган. Бунинг устига бу аёлнинг дадиллиги, тадбиркорлик ва жасоратда ҳеч қандай эркакдан қолишмаслигини яхши биларди.

— Хўп, — деди у, — Сиз бугундан бошлаб Шакар қўрбошисиз. Йигитларингиз менинг йигитларим билан бирлашсин. Улар қишлоғингизда туриб Қайрағочни ҳимоя қилишади. Сизни ўша ердаги 100 йигитга бош этиб тайинладим.

Ўша куни Шакар қўрбошининг йигитларига милтиқлар, қиличлар, ўқ-дори берилди. Унинг кенг ҳовлиси бу йигитларнинг қароргоҳига айланди.

Худди шу йили Россиянинг барча бурчакларида бўлганидек, Туркистонда ҳам фуқаролар уруши авжига чиққан, Фарғона водийси ўт ичида қолганди. Шўро аскарлари йирик шаҳарлар ва муҳим темир йўл тармоқларини қўриқлашар, баъзан қишлоқларга ҳам чиқиб келишар эди. Водий қишлоқларини аслида қўрбошилар бошчилик қилаётган гуруҳлар бошқарар, ҳатто солиқ тўплаш ва бу солиқни тегишли мақсадда ишлатиш ҳам уларнинг зиммасига қолганди. Шакар қўрбоши асосан Қайрағоч қишлоғининг мудофааси билан шуғулланар, шу ерга келган қўрбошилар гуруҳларини ҳам, Қизил Армия қисмларини ҳам меҳмон қилиб, озиқ-овқат билан таъминлаб жўнатаверар, унинг асосий мақсади қишлоқ аҳлининг тинчлигини сақлаб туриш эди. Шакархон қишлоқ тинчлигини муҳофаза қилибгина қолмай, етим-есир, бева-бечораларнинг маиший аҳволи, озиқ-овқатидан ҳам хабардор бўлиб турарди. Ўша пайтда Қайрағочда Саидҳожи исмли табаррук бир аёл яшаган. Ҳажга пиёда бориб келган бу аёл ўша ола-тасир, очарчилик замонларида 18 та бутқул етим қолган болаларни хонадонига тўплаб, боқиб тарбиялай бошлади. Шакар қўрбоши ана шу етимхонадан тез-тез хабар олар, Саидҳожи энанинг болаларига тегишли озиқ-овқатни етказиб берар эди.

Шу йили кузда Шакар қўрбоши ҳаётида фожиа юз берди. Бу фожиа уни Қизил Армиянинг шафқатсиз душманларидан бирига айлантирди. Унинг ягона ўғли Одилжон ЧК қарорига мувофиқ ишчи-деҳқон ҳокимиятига қарши қўлда қурол билан жанг қилганлиги учун отиб ташланди. Ўғлининг ўлими Шакар қўрбошига қаттиқ таъсир қилди. Аммо, у бошқа оналардек фақат дод-фарёд қилиш билан чекланиб қолмади. Одилжоннинг маъракаларини ўтказгач, Тўйчи қўрбошининг олдига келди. Ундан ёрдам олиб йигитлари билан Қайрағочга кириб борди. Бу пайтда Юсуф Тожибоев ҳам Қизил Армия отрядини Қайрағочга чақириб келганди. Иккала отряд ўртасида жанг бошланди. Шиддатли тўқнашувлардан сўнг Шакархоннинг йигитлари чекинишга мажбур бўлишади.

Шундан сўнг унинг ҳаётида кураш ва таҳликага тўла кунлар бошланди. Фарғона вилоят инқилобий қўмитаси бу аёлни қўлга туширган одам учун катта мукофот тайинлади. Қасоскор онанинг атрофига жипслашган 50—60 нафар йигит тоғ Олтиариқда, тоғ Риштонда, тоғ Скобелев шаҳри атрофларида пайдо бўлар, Қизил Армия қисмларига зарба берарди. Ўша даврда Фарғонада сиёсий вазият большевиклар фойдасига ўзгара бошлади. Водийдаги барча қўзғолончи кучларнинг расмий раҳбари, муваққат Фарғона ҳукуматининг бошлиғи Мадаминбек армияси ҳам ҳолсизланганди.

20-йилга келиб Россиядаги Колчак, Деникин бошлиқ оқ гвардиячилар мағлубиятга учрадилар. Уларнинг қолдиқлари чет элга қочди, майда гуруҳларга бўлиниб кетди. Натижада Москвадаги большевистик ҳукумат Туркистонга кўп сонли армия юборишга имкон топди. Туркистонга саркарда Фрунзе келди. Асли Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида туғилиб ўсган бу шахс маҳаллий халқлар тили, урф-одатларини яхши биларди. Масалан, Мадаминбек билан учрашувида унинг ўзбекча гапириши қўрбошини лол қолдирган эди. Фрунзе келганидан сўнг Фарғона фронти қўмондонлиги ишлаб чиққан тактикага мувофиқ кичик-кичик отрядларни битта-битта йўқ қилиш режалаштирилганди. Шакар қўрбоши ҳам шу «рўйхат»га кирганди.

Шундай кунларнинг бирида Шакар қўрбоши қизи Адолатхонни олтиариқлик Норимбойга узатди. Норимбой ҳам Ислом лашкарлари сафидаги йигитлардан эди. Ўша тўйда қатнашган шоҳидлардан бири шундай эслайди:

— Кечқурун тўйга бордик. Ўйин-кулгидан сўнг йигитлар Шакар қўрбошининг кенг меҳмонхонасида тунади. Уруш пайти эмасми, ҳар бир йигит ўз милтиғини қучоқлаб ётарди. Тунда тўсатдан бирови уйқисираб қўлидаги милтиқ тепкисини босиб юборди. Қарангки, меҳмонхона тўла йигитларнинг биттасига ҳам тегмай, ўқ эшикдан чиқиб кетди.

Қизил Армия отрядлари Қайрағочга босиб кирди. Шакар қўрбоши пастки маҳалла томонга қараб йигитлари билан чекинди. Бу отряднинг ўзига хос усулларидан бири эди. Орқадан отилган ўқлардан бири қўрбоши отини йиқитди. Тизза бўйи тупроқ устига ағанаган отнинг жон аччиғида потирлаб, пишқириши визиллаб учган ўқлар, ҳайқириқлари орасида ҳам Шакархон ўзини йўқотмади. Чопиб ўша ердаги уйлардан бирига кирди. Уй дарчасини тепиб очиб, ичкарига отилганида бир аёл титраб қақшаганича, қўрқиб бешикдаги боласини қўриқлаб турарди. Орадан кўп ўтмай уй ичига қуролли аскарлар бостириб киришди. Хонада икки аёл бир гўдакни юпатиб туришганди.

— Қани қўрбоши?

— Чўл томонга кетди, — деди аёллардан бири. Аскарлар ҳовлиққанича ташқарига чиқиб, чўлга от чоптириб кетишди. Қизил аскарлар келгунга қадар у эркакча кийимларини ечиб аёл либосини кийиб олганди. Уни чақмоқ телпак ва беқасам тўнда кўриб ўрганган қизиллар таниёлмай қолишган-да. Кексаларнинг хотирлашича, Шакархоннинг хавф туғилганда аёл либосини кийиб, эмизикли аёлдек бировларнинг бешикда ётган чақалоғини эмизаётган бўлиб, бешикка суяниб олиб жон сақлаган кунлари кўп бўлган экан.

Фарғонада вазият тобора мураккаблашаверди. Қизил Армия маҳфий хизмати эски синалган усул-сафдош ва гоядошлар орасида низо чиқариш йўлини тутди. Қўрбошилар умумий душман четда қолиб бир-бирлари билан олишишга киришдилар. Масалан, Шакар қўрбоши билан Одил қўрбоши ўртасида ҳам шундай тўқнашувлар бўлиб ўтди. Мадаминбекни қўрбошиларнинг ўзлари ўлдириб юбордилар. Тўйчи қўрбоши ҳам ўзаро низоларга аралашган эди. М. В. Фрунзе шахсан ўзи Фарғонага келиб жангларга раҳбарлик қилди. Айтишларича, Олтиариқ атрофидан чиққан жасур қўрбоши аёл ҳақида эшитгач, у ҳайратланиб «сартлар тарихида бундай аёллар бўлган» деган экан.

Кўпчилик қўрбошилар Тожикистон ва Афғонистон томонларга кета бошлашди. Шакар қўрбошининг қариндошларидан бўлмиш Олимбойвачча ҳам Афғонистон томон отланди. Бироқ Амударёдан ўтаётган пайтда ўғли Тўланбой билан қўлга тушди. Ҳар иккаласи ҳам Шўро қамоқхонасида жон берди.

Орадан кўп ўтмай, Шакар қўрбоши йигитлари яна Қайрағочга йўл олдилар. 21-йил охирларида бўлган жангларнинг бирида Шакархон қўрбоши ҳалок бўлди...

Ўзбек аёллари орасидан чиққан бу ажойиб инсон тақдири шу тариқа фожиа билан тугади. Шуни айтиш керакки, Шакар қўрбошининг қизлари Турғун, Адолат ва Лазокатлар ўқимишли аёллар бўлиб етишишади. Лазокат Қўқондаги машҳур аёллар педагогика билим юртини биринчилардан бўлиб тамомлаб чиққан. У узоқ йиллар «Байналмилал» артелига раислик қилди. Олтиариқ, Риштон, Миндон деҳаларида қуруқ мева тайёрлаш идораларида ишлади.

Кейинчалик унинг қариндош-уруғларининг кўпи қатағон қилинди. Узининг номи эса унутилишга маҳкум эди. Бироқ Шакар қўрбоши номи халқ орасидан ҳеч маҳал ўчмаган. Қайрағоч ва Олтиариқ қишлоқларида бу жасур аёл ҳақидаги эсдаликлар тилдан-тилга кўчиб юради.

Алишер ИБОДИНОВ,
Юнусали ЭМИНОВ.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзхимфарм"
ишлаб чиқариш бирлашмаси
қуйидаги юқори самарали ва арзон дориларни
тавсия этади.

АЛЛАПИНИН — *пароксизмал аритмияни даволашга мўлжалланган восита.*

МЕДАМИН — *антигельминт дориси, ичак нематодига қарши энг яхши самара беради.*

ДИМЕДРОЛ — *аллергияли хасталикларни, эшак еми, қичима дерматозни даволашда яхши самара беради.*

ФИТИН — *қоннинг янгиланиб туришига кўмаклашади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, шунингдек, гипотония, жазава хасталиклари ва жинсий ожизликни даволашда қўлланилади.*

АНАБАЗИН — *кашандалик хуморини пасайтиради.*

РУТИН — *гипо ва авитаминоз, диатез, бот, гипертонияни даволашда яхши самара беради.*

ТЭФЭСТРОЛ — *гинекология ва акушерлик амалиётида қўлланилади.*

ДЕЗОКСИПЕГАНИН ГИДРОХЛОРИД — *мияда қон айланиши бузилганда ва миостеанияни даволаш учун зарур.*

"АНТИ-БИТ" — *педикулез хасталигини даволашда, битни йўқотишда қўлланилади.*

"ИНТРОЦЕЛ" — *озиш учун кўмаклашади, организмдан шлакларни, оғир металл тузларини, радионуклидларни, токсинларни ва бактерияларни чиқаради, ичак фаолиятини яхшилайди.*

КАЛЕНДУЛА НАСТОЙКАСИ — *юқори нафас олиш йўллари шамоллаш хасталикларини, ангинани, яра-чақаларни даволашда қўлланилади.*

ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ШАРБАТИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

ҚЎКРАК СУЮҚ ДОРИСИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ШАРБАТИ— *авитаминоз олдини олишда яхши самара беради.*

Бу дориларни ва боғлаш ашёларини "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси фирма дорихоналаридан сотиб олишингиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-60-59, 56-71-68, 54-69-78.

БЕГОНА ШАХСЛАРНИНГ ТЕЛЕФОНЛАШТИРГАН УЙЛАРГА ВАҚТИНЧА ЯШАШ УЧУН ҚУЙУВЧИ РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ва радиолаштириш бирлашмаси шуни маълум қиладики, вақтинча яшаш учун *телефонлашган уйни ижарага олган шахслар* (айниқса, хорижий фуқаролар) шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларда телефондан зўр бериб фойдаланадилар ва телефон ҳисоб-китобини қилмасдан квартирадан кўчиш ёки юртига кетиш ҳоллари кўп бўлган. *Уларнинг қарзлари* эса бир неча минг сўмга етган. Ҳаракатдаги қонунчилик ва телефондан фойдаланиш қоидаларига кўра, уни *абонетларнинг ўзлари тўлашлари шарт.*

Ҳурматли телефон тармоқлари абонентлари — уй ва хонадон эгалари, турар-жойларни вақтинчалик яшовчиларга берувчилар!

Сизга мурожаат қиламиз.

Баъзи тушунмовчиликлар бўлмаслиги ва қўшимча чиқимга тушмаслигингиз учун уйингизда вақтинчалик яшаган шахслар телефонингиздан фойдаланганликлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қиляптилармийўқми, эътибор беринг!

Телефондан ким фойдаланганлигидан қатъи назар, ҳисоб-китобни абонент тўлашга мажбур. Қарз тўлашдан бош тортилса, телефон узиб қўйилади ва телефондан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Қарз эса абонентдан суд орқали ундириб олинади.

Бегона шахслар телефонингиздан фойдаланаётганда хушёрроқ бўлинг!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ БИРЛАШМАСИ.

ФУҚАРОЛАР ВА РАҲБАРЛАР, УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари сизга шуни маълум қиладики, олди-сотди шартномаси бўйича *телефонлаштирилган уй-жойларни сотиб олиш чоғида* харидор абонентнинг телефондан фойдаланганлиги туфайли қанча қарзи борлигини эътибордан четда қолдириб, ўзига бир қатор қийинчилик ва ноқулайликлар яратган ҳоллари кўп бўлган. Қарздорлик суммаси эса бир неча ўн минг сўмга етган. *Телефон янги абонентга расмийлаштирилиши билан қарзни белгиланган муддатда* тўлаш ҳам унинг мажбуриятига киради. Акс ҳолда телефон узиб қўйилади ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Қарз эса суд орқали мажбурий ундирилади ва қарзлар бадастир тўлангач, телефон қайта уланиши мумкин.

Ҳурматли уй-жой сотиб олувчилар!

Шаҳар телефон тармоқлари бу борада тушунмовчиликлар бўлмаслиги ва ортиқча чиқимга тушмаслигингиз учун уйни расмийлаштиришдан олдин уй эгасининг телефондан фойдаланганлиги учун абонентлик тўлови қандайлиги ва шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашувлар бўйича қарзи бор-йўқлиги тўғрисида *телефон алоқаси узелидан маълумот олсангиз* фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шундай қилсангиз ўз манфаатингизни кўзлаб иш тутган бўласиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ИЧКИЛИК ЎЛСИН-А...

Рустам спиртли ичимликка рўжу қўйди... Мастлик пастлик экан-да. Бўлмаса, у 1995 йил 9 мартга ўтар кечаси Боғот тумани Навоий номли жамоа хўжалигининг 5-бригадаси ҳудудида жойлашган «Хитой» хусусий корхонасига кириб, Р. Эшчонованинг 7815 сўмлик мол-мулкини ўмарармиди. Йигит ўз қилган жиноятини на инсу, на жинс била олмаслигига амин бўлган шекилли-да. Бироқ у ўйлаганича бўлмади. Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида ўғирлик тафсилотлари кўпга бормай ошкор бўлди.

Суднинг қора курсисига ўтиргач қилган пушаймондан не фойда? Боғот туман суди Рустамни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан айблаб, унга 5 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм эълон қилди.

Р. МАТКАРИМОВА,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

Ғаройиб дунё

ТУШ ЁЗИБ ОЛИНАДИ

Швецариялик кашфиётчи Курт Оберт илм дунёсини янги ихтироси тушни видеомагнитофонга ёзиб олувчи мослама билан лол қолдирди.

Машинанинг иши ухлаётган одам миясидан чиқаётган тўлқин сигналларини ёзиб олиб, кейин тасвирга айлантиришдан иборат. Одам бошига иккита оддий электродни ўрнатиб ухлайди ва эрталаб видеомагнитофонда кўрган тушини барча тафсилотларигача томоша қилаверади.

Тушини эслаб қололмайдиган одамлар уни экранда кўриб, ички олами нима демоқчилигини билиб олади. Демак, энди уларни даволаш ўн марта тезлашади. Кишини тушида нималар қўрқитаётганига қараб даволаш чорасини белгилаш мумкин.

НАҚ БУҚАГА АЙЛАНИШДИ

Бу янги дори ўлар даражадаги озғин, нимжон одамга ҳам дарҳол жисмоний куч-қувват бағишлайди. Аммо дорининг сира кутилмаган ва даҳшатли камчилиги кўриниб қолди — одамни ёвуз, ахлоқсиз буқага айлантириб ташларкан.

— Мен инсонга яхшилик қилмоқчи эдим, — деди темир билан бойитилган ва мускулни нақ кўз ўнгингизда каттайтирувчи тугмача дори кашф этган доктор Жина Малига. — Аммо бунинг ўрнига бир тўда ваҳшийларни яратиб қўйдим.

Ақл бовар қилмас мазкур дори ҳайвонларда муваффақиятли синовдан ўтгач, Италия тиббиёт комиссияси умрбод ниҳоятда ориқ, нимжон бўлиб келган бир гуруҳ кишиларда синаб кўришга рухсат берди.

— Аввалига биз мамнун эдик, — дейди доктор Малига. — Бир ҳафтада улар мускулларининг 71 фоизини йиғдилар. Юришлари яхшиланди, улкан жисмоний куч тезкор реакция билан ҳамоҳанг эди. Лекин улар қуввати ошган сари адоватли ва тажовузкор бўла бордилар. Бу ҳол дори бериш тўхтатилганда ҳам давом этди.

Икки ой мобайнида тажрибадаги 24 кишидан 19 нафари ваҳшиёна жиноятлари учун қамоққа олинди. Қолган олтови билан дўстлари, оиласи ва ҳамкасблари орасида муаммолар чиқди.

Улардан бири 47 килограмм вазнли бемажол солиқ инспекторидан 95 килограммлик босқинчига айланган Марио Пиолини ҳеч ким ишга олмади. Уни тезликни оширгани учун тўхтатган полициячини чала ўлик ҳолига келгунча ургани сабабли суд қилишмоқда.

— Бу психологик муаммо, — дейди доктор Фабио Капра. — Умрбод ўч олишни орзу қилиб келган одамга тўсатдан жисмоний куч бериш хавфли.

Ўшандан бошлаб Италияда дори таъқиқланди. Аммо пул учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган америкалик ишбилармонлар уни қўлга киритиш илинжида.

Ориф ФАРМОН
тайёрлаган.

СИКТИВКАР ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ВАКОЛАТХОНАСИ

қуйидаги маҳсулотлар етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади:
— офсет қоғози N1, формати 84.
— газета қоғози, формати 168, 84.
— типография қоғози, формати 84.
— ДСП
— туалет қоғози.

Бишкек шаҳридаги телефон: код (3312) 25-46-12 факс 25-35-24.

ВАФОДАН ЯРАЛГАН БЎСТОН

Эҳтиром

Яқинда бир ҳаяжонли воқеанинг шоҳиди бўлдим. Ишга шошилиб кетаётгандим. Гавжум кўчанинг четида турган паст бўйли бир киши най чаларди. Бу навони кўп эшитганман. Найчига яқинроқ келиб, тўхтадим. Ёнига бориб баралла куйлагим кела бошлади. Лекин ҳар хил хаёллар ила куй сўзларини ичимда айта бошладим:

Э севгили диёрим, мен
соғиниб зиёда,
Тоғлар ошиб яланғоч,
чўллар кезиб пиёда...

Кутилмаганда куй тўхтади. Башанг кийинган, ёши 50—55 лар чамасидаги бир одам найчининг ёнига келиб, «Биродар, шу куйни яна бошдан чалинг», — деб илтимос қилди. Мендан кўра дадил бу одам оҳанграбо куй жўрлигида баралла куйлай бошлади.

Шаънингга куйладим куй
ҳар жилға, ҳар қиёда,
Авжим фалакка етди, куй
янгради фазода,
Ичганда сувларингдан,
маст этди худди бода...
Ҳар сабзаси ватанинг
меҳригиё кўриндинг,
Нотоб эдим — соғайдим,
дардга даво кўриндинг.

Ўйланиб қолдим. «Эҳтимол, у актёр ё менга ўхшаш театр мухлисидир... Ким билсин?»

Хуллас, бу кутилмаган воқеа «Тоҳир ва Зуҳра»нинг қандай қилиб қалбимга ўрнашиб қолиш жараёнларини эслашимга туртки бўлди. «Тоҳир ва Зуҳра» менинг ҳақиқий ишқ-муҳаббат ва вафонинг, халққа ва ватанга садоқатнинг, одамийлик, гўзаллик ва эзгуликнинг моҳиятини ҳис этишим, билишимда беқиёс роль ўйнади. Ишончим комилки, санъаткорларимизнинг янги авлоди бу асарга қайта-қайта мурожаат қиладилар.

Демоқчиманки, агар раҳматлик Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий», «Алпомиш», «Менинг жаннатим» каби ўндан ортиқ саҳна асарининг, кўплаб шеърий китобларнинг, ҳажвий ҳикоялар, «Мавлоно Муқимий» романининг муаллифи бўлмаганида ҳам биргина «Тоҳир ва Зуҳра» асари билан маданиятимиз тарихидан ўзига муносиб ўрин эгаллаган бўларди.

Собир Абдулла шеърий асарларининг учдан икки қисмидан ортиғи ҳам арузда ижод этилганки, буни маълум маънода катта жасорат, ҳатто сўз санъатидаги қаҳрамонлик дейиш мумкин. Чунки инқилобдан кейин аруз ҳақида, унда ёзиладиган ғазал, муҳаммас, мусаддас, маснавий ва бошқа жанрлар хусусида узлуксиз мунозаралар давом этди.

Собир Абдулланинг эзгу орзуларидан бири устозлари анъаналарини давом эттириб, арузда битган асарларидан «Девон» тузиб, жонажон халқига, келажак авлодларга туҳфа этиш эди. Лекин бу орзунинг ушалиши узоқ йилларга чўзилди. Бунга асосий тўсиқлардан бири арузга, ғазалга бўлган ўзимиздан чиққан калтабин билағонларнинг муносабатлари бўлди. Ниҳоят, 1965 йилга келиб, шоиримиз ниятига эришди. Унинг «Девон»и нашр этилиб, халқ ҳукмига ҳавола этилди.

Менинг севгим ҳар хил
гулга ўхшамас асло,
Хазон бўлмас гуллар каби
куз келган чоғда.
Мени севган ёр булбулга
ўхшамас асло,
Баҳор келиб, ташлаб
кетмас куз бўлган чоғда.

Қани айтинг-чи, кимга ёқмайди бу бетакрор ва самимий сатрлар.

Мен бу бадиий меросни бир бўстонга қиёс этгим келади. Бу бўстон шунчаки боғ, гулзор эмас. Бу — нафосат, жозиба, кенг маънодаги садоқат, вафо, вафодорлик бўстонидир.

Мурод ИБРОҲИМ ўғли,
филология фанлари
номзоди.

***

СУРАТДА: шоир турмуш ўртоғи билан.

Табиат ва инсон

БЎРИ АЯШНИ БИЛАРМИДИ?..

Отлар оҳиста йўрғалайди. Синалган суқмоқлар бўлишига қарамай, гоҳо йўлдан чалғишарди. Олисларда тоғлар улуғвор ва кўркам. Умуман Угам ва Пском тизмаларининг манзараси ўзгача. Сарҳадлари қўшни Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудларига туташ. Бу ерларда муздек чашмалар, шўх жилғалар кўп. Аммо тик қоялар, ўт босган тепаликлар орасидан утиш қийин бўлган жойлар ҳам бор. Дов-дарахтлари—қайин, терак, тол, арча, ёнғоқ, олма, нок, бодом, писта, қолаверса наъматакзорлардан иборат. Манзарали дарахтларнинг ҳар хили учрайди. Пастда Чорвоқ сув омборининг жилвасию Пскомнинг буралиб оқиши кўзга ташланади.

Бироз юргандан кейин кенг майдон пайдо булади. Кейин довон бошланади. Бизни тажрибали овчи, Сижжак ўрмонзорининг қўриқчиси Норимбой Буронов бошлаб боради. Унинг ҳикоясига қараганда Угам тизма тоғларининг этакларида ёввойи ҳайвонлар анча кўпайиб қолган. Илгари бу ерларда айиқни учратиш қийин эди. Ҳозир эса одамлар ўрмон полвонига бир неча бор дуч келишгани ҳақида гапириб юрибдилар. Айиқ ҳам майлия, унга чап бериб, йўлингда давом этаверсанг ҳам бўлаверади. Бўрининг иши қийин. Турт оёқли бу йиртқич кўринганни қўймайди. Кейинги пайтларда улар туда-туда бўлиб, Чимкент вилояти ҳудудларида ўрмалашиб қолишган.

— Ҳар йили баҳор пайтлари қуёш чарақлаб, қор белгача тепиб турган бундай жойларда турли жониворларнинг изларини учратиш мумкин,, — дейди Норимбой. — Бир куни ўзимга тегишли жойларни айланиб юргандим. Кутилмаганда тўнғизлар «мозори» устидан чиқиб, қолдим. Аввалига ҳайрон бўлдим. Чунки, кўз илғамас чуқурликдаги дара остида озмас-кўпмас 9 та тўнғизнинг жасади ётар эди. Билдимки, қиш кунлари бу ерда ҳаёт-мамот жанги бўлган. Атрофни кузатганимдан кейин бу воқеага бўрилар сабаб, деган хулосага келдим. Афтидан тунда бўрилар тўдаси тўнғизларга ҳамла қилган. Жон-жаҳди билан югурган тўнғизлар қалин қор босган қамишзорлар оралаб утаётиб, олдинда дара борлигини пайқашмаган. Шу билан улар қарийб 80 метр келадиган чуқурликдаги қоялар орасига юмалиб кетган.

Бу воқеа ҳақида мен Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан расамади билан фойдаланиш, уни асраш бошқармаси тезкор нозирлигига маълумот бердим. Шунда мазкур бошқармаси мутасаддиси Одилжон Отажонов бўрилар ҳақидаги муҳим далиллар ҳақида сўзлади.

Унинг айтишига қараганда, юртимизда 650 дан кўпроқ бури бор экан. Албатта, эҳтиёткор бу ваҳший ҳайвоннинг қамишзору чангалзорлар уммонидан, ўт-уланлару тоғ-тошларнинг оралиқлари ва ғорларга яшириниб ётганидан аниқ маълумотга эга бўлиш осонмас. Зеро, бўриларни муҳофаза қилиш ҳақида ҳам йўл-йўриқлар бор. Чунки, уларга қирғин келтириш билан табиатдаги мувозанатга путур етказиб қўйилади.

Ҳар қалай қулоғи динг бундай жониворлар ҳар доим кузатувда. Овчилар зарур пайтда нишонга олишни қўйишмайди. Лекин битта бурини қўлга киритиш ҳаёт учун таваккалчилик десак муболаға бўлмайди. Тағинам овчиларни рағбатлантириб турилгани учун имкон қадар мерганликни ўрнига қўйишга ҳаракат қиладилар. Аммо овчилик жамиятлари бури овига алоҳида эътибор қилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

М.МАҲМУДОВ,
фахрий овчи.

МАҒЛУБИЯТ АЛАМЛИ, БИРОҚ УМИД УЧҚУНЛАРИ СЎНГАНИ ЙЎҚ

Афро — Осиё кубоги

Ўтган шанба куни Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида ҳақиқий маънода футбол байрами бўлиб ўтди. Бу ерда Афро — Осиё кубоги учун мусобақада Ўзбекистон миллий терма командаси Нигерия Федератив Республикаси миллий терма командаси билан учрашди.

Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизнинг энг йирик спорт иншооти кўп йиллардан бери биринчи бор ишқибозлар билан гавжум бўлди. 60 мингга яқин томошабин қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлди.

Ўйин эса меҳмонларнинг кетма-кет ҳужумлари билан бошланди. Улар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларига асосланиб, Олег Беляков кўриқлаётган дарвозани нишонга олишга ҳаракат қилишди. Учрашувнинг тўққизинчи дақиқасида эса меҳмонлар ҳисобни очишди. Англиянинг «Эвертон» клубида ўйнаётган Даниэль Амокаши ошириб берган тўпни Санди Олисех аниқ дарвозага йўллади.

Шундан кейингина терма командамиз аъзолари ҳам жонланиб қолишди. Ахир, ҳадеб ҳимояда ўтираверишнинг фойдаси йўқ-да. Шу боис Азамат Абдураимов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ва Миржалол Қосимовлар кетма-кет ҳужум уюштиришди. Бироқ меҳмонларнинг тажрибали дарвозабонлари Алой Агу бу ҳужумларни қайтариб қолди.

Учрашувнинг иккинчи ярмида эса аҳвол бутунлай ўзгарди. Меҳмонлар фақат қарши ҳужумлар уюштириб туришди. Терма командамиз аъзолари эса ҳужумкорликка зўр беришди. Абдураимов, Қосимов ва бошқалар меҳмонлар дарвозасини кетма-кет нишонга олишди. Бироқ, бу тўпларни гоҳ дарвозабон қайтарса, гоҳ дарвоза тўсинидан юқорилаб ўтиб кетарди. Меҳмонлар ҳам бўш келишмади. Қарши ҳужумлардан бирида Виктор Иксеба ўйиннинг 21-дақиқасида Беляков дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Шундан сўнг жаҳон миқёсидаги ярим ҳимоячимиз Миржалол Қосимов ғайратига чидолмади. У кетма-кет ҳужумчиларни олдинга бошлади. Бироқ на Игорь Шквириннинг, на бошқаларнинг омади келди. 26-дақиқада эса Миржалол Қосимов ўзи севган жойдан туриб дарвозани аниқ нишонга олди. Меҳмонлар ҳам қарздор бўлиб қолишни исташмади. Ўйин тугашига 15 дақиқа қолганда Алан Нваду ҳисобни 3:1 га етказди.

Ўйин тугашига 10 дақиқа вақт қолганда Миржалол Қосимов яна бир бор маҳорат кўрсатди. У бурчакдан аниқ ошириб берган тўпни Андрей Фёдоров рақиблар дарвозасига йўллади. Шундай қилиб ўйин 3:2 ҳисобида нигерияликлар фойдасига ҳал бўлди.

Афро — Осиё кубоги учун бўладиган иккинчи учрашув 17 ноябрь куни Нигерия Федератив Республикасининг пойтахти Лагос шаҳрида ўтказилади. Ана шу учрашувга пухта тайёргарлик кўриш командамиз устозларининг ва ўйинчиларининг асосий вазифасидир.

Дастлабки учрашувдаги мағлубият аламли, бироқ умид учқунлари сўнгани йўқ. Ният холис бўлиб, астойдил ғайрат қилинса, мурод ҳосил бўлиши турган гап.

РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА КИТОБ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТМОҚДА ВА УЛАРГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

I. "ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ" (2 жилдлик). Безаклари рангли, биринчи жилди нашрдан чиқмоқда. Иккинчи жилди келгуси йил чоп этилади. Биринчи жилднинг тахминий нашриёт баҳоси 30 сўм, иккинчи жилди — 40 сўм.

II. "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" (ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларида). Китоб 1996 йил чоп этилади. Тахминий нашриёт баҳоси 100 сўм.

III. "ОЛТИН ВОДИЙ ЭРТАКЛАРИ". Болаларга мўлжалланган ва нашрдан чиққан, безаклари рангли бу китобнинг нашриёт баҳоси — 14 сўм.

Шунингдек, нашриёт юридик ва жисмоний шахслардан бошқа китоб ва турли матбаа маҳсулотларини нашр этишга тайёрлаш бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: 700129, Тошкент ш. Навоий, 30.
Тел: 44-22-53, 44-12-61, 44-17-59.

ТАБОБАТ ИЛМИНИНГ ОТАХОНИ

Халқимиз «иссиқ жон» деган қутлуғ калимани тез-тез такрорлашга ўрганиб қолган. Зеро, дунёда шифохонага йўли тушмаган, табибнинг ўткир нигоҳлари, сезгир юраги ва сехрли қўлларидан нажот кутмаган, зукко маслаҳатлари ва муолажаларини умрига шамчироқ қилмаган зот йўқ.

Бугун биз 85 ёшлик тавалуд тўйларини муборакбод этаётганимиз — азиз инсон, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Россия Тиббий Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Исҳоқ Қурбонович Мусабоевнинг юзлаб, минглаб беморлар жонларига оро кирганлиги шубҳасиз.

Отахон шифокорни ундан малҳам топган инсонларгина эмас, балки эл саломатлиги учун жон куйдириб меҳнат қилаётган 17 нафар тиббий фанлар докторлари, 90 га яқин фан номзодлари устоз сифатида қадрлаб эъзозлайдилар.

85 ёшли олим, мураббий ва жамоат арбоби Исоқ Мусабоев бугунги кунда ҳам Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг юқумли касалликлар кафедрасида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гиёҳвандлик — иллат!

ЁМОН АРАВА ЙЎЛ БУЗАР

Ичганни кечирса бўлар, жоҳилни кечирарлар... Лекин нашавандни, гиёҳванд моддага ружу қўйганларни кечирамизми? Йўқ! Қайтанга улардан ҳазар қиламиз. Чунки у юртнинг хавфи, наслнинг фожеаси, оила инқирози, гўдакнинг доди.

Унда нега гиёҳвандликни «касб» қиладилар? Бойиш учунми? Кайф учунми? Ҳовлисида олма, нок, шафтоли, анор, анжир ўстиришни эплолмаганлар тоғ-тош ораси, ҳовли-жойларда кўкнори, наша ўстиришларидан не манфаат бор? Албатта, пул топиш. Ундайларни ким дейиш мумкин? Диёнатсизлар. Ҳа, диёнатсиз улар!

— Дунёда энг ҳазар қилинадиган иллат гиёҳвандликдир!

Аҳли доно айтган фикр бу.

Қорадорининг зиёнлигини била туриб етиштирадилар. Сотадилар. Бойимоқчи бўладилар. Не кўргуликки, бундайлар ҳануз бор. Қашқадарёдаям.

Нурали Худойбердиев энди 22 ёшга кирди. Айни кучга тўлган бу йигитни шайтон йўлдан урибди, денг. У ҳамқишлоқлари — Ғузор туманидаги Шўртон қўрғонида яшаётган Ўктам Каримов ва Николай Гайфулин билан қорадори сотишни одат қилди. На каттани, на кичикни ўйладилар. Бу иш гуноҳ, қонунга хилофлиги хаёлларига келган эмас.

— Қани бу ёққа юрингларчи?

Вилоят жиноят қидирув бошқармаси тезкор ходимларининг қатъий овозидан уч ҳамтовоқнинг ранги бўзариб кетди. Улар 250 грамм қорадорини сотмоқчи бўлганда қўлга олиндилар. Тинтув қилинганда Ў. Каримов 8,1, Н. Гайфулин 3,4 грамм қорадорини уйида ноқонуний асраётгани маълум бўлди.

Ақлли-ҳушли одам бундай қилмайди. Фаросат билан иш юритади. Эртасини ўйлайди. Энди нима деган одам бўлди уч «жўра». Маълум муддатли ҳузурни деб бир умр ҳаловатдан кечди-да. Қолаверса, бу ёғи жавобгарлик ҳам бор.

Борингки, улар ёшлик қилишгандир. Аммо қирқ бешни қоралаган, топармон-тутармон Абдуҳафиз Ориповни не жин урди? Ўзи дуппа-дуруст жойда ишлайди. Китоб туман матлубот жамиятида омбор мудири. Унинг гиёҳвандлик билан шуғулланишига бало борми?! Куни ўтиб турган бўлса. Яшаши бировдан паст, бировдан баланд. Юз грамм наша, 2 грамм қорадорини хонадонида — Ойбек кўча 2\35 уйда сақлаётибди-я.

Айримларнинг чўнтаги сал қаппайса босар-тусарини билмай қолади ўзи. Бунинг яна бир исботи тарзида Косон туман матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишловчи Ўктам Абдуллаевни ҳам айтса бўлар. Кўзини ёғ босган Ўктам ҳеч кимдан тап тортмай қўйди. Кўнглига келганини қилди. Ўша учун ҳам у куппа-кундузи Ҳасанов Ҳуснидинга 20 грамм гиёҳванд моддасини 300 сўмга пуллади. Уни кузатиб тургандилар. Қирқ беш ёшли бу «бойвачча»ниям Косон туман ИИБ ходимлари жиноят устида ушладилар.

Кибру ҳаво одамзотни издан чиқаради деганлари шу ўринда исботланди. Буни қарангки, бировдан чўчимай қўйган Ў. Абдуллаев бир гектарга яқин майдонда кўкнори экибди. Бўй чўзган 50000 туп заҳри қотилни қўни-қўшни, ёр-биродар кўрмадимикан? Кўрган. Лекин гарангситган. Ана шу бефарқлик вақти келиб Раимсўфи қишлоғидагилар обрўсига путур, айримлари ҳаётига зомин бўлишини таъкидлаб ўтириш шартми?!

Тинтув пайтида Ў. Абдуллаев хонадонидан 3 кило кўкнори, 20 грамм наша, икки дона «ТОЗ-8» ўқ отар қуроли, 5 кило кўкнори уруғи, бир дона «АКС» ўқи олинди.

Бутун бошли қишлоқни ёмонлаш инсофсизликдир. Аммо у ерда гиёҳвандликка муккасидан кетганлар сероблигини айтмаса бўлмас. Муродилла Ўлжаев ҳам Раимсўфидан. Муқаддам судланган бу «тадбиркор» қишлоқдоши, тенгдоши Ў. Абдуллаевдан қолишмабди. Уч гектарга яқин ерда кўкнори ва наша экибди. Юракнинг каттолигини қаранг-а, Муродилла 700 грамм қорадори, 5 кило наша, 200 кило кўкнори бошоғи ва унинг 200 кило уруғини уйида асрашдан чўчимабди ҳам.

Бағри кенглиги билан ном қозонган Чироқчиниям бу иллат четлаб ўтмагани ачинарлидир. «Қалқама» жамоа хўжалиги ҳудудидан бир гектардан ошиқ майдонда ўсаётган кўкнорини топдилар. У осмондан тушганми, ердан чиққанми? Эгаси яна нима ишлар билан шуғулланади? Ҳозир бу аниқланаяпти.

Айтмоқчи бўлган кейинги гапимиз ҳаммасидан даҳшатли. Ёқангизни ушлайсиз. Наҳот қабиҳлик шу даражагача борган.

Қарши шаҳридаги «Ўзбекистон» кўчаси 222-уйнинг 14-хонадонида яшовчи Ҳикмат Шойқулов ҳеч жойда ишламайди. Бекорчилик уни ақлдан оздирди деяверинг. Ҳикматнинг довдирлиги туфайли унинг уйига ҳар хил одамлар кириб-чиқаверди. Ва хонадон бангихона бўлди-қолди.

Ёмон арава йўл бузар, деганларидек ўша куни Ҳ. Шойқуловнинг «кошонаси» гавжум эди. Бир неча банги тўпланиб, гиёҳванд моддасини истеъмол қилишаётибди денг. Қарши шаҳар ИИБ ва вилоят ИИБ ЖҚБ ходимлари ичкарига киришганда карахт кўзлар очилиб кетди. Кайфу сафо қилаётган маст-аластлар 29,1 грамм марихуана гиёҳванд моддасини ҳали чекиб улгуришмаган экан. Тиббиёт игналари, шприцлар сочилиб ётарди...

Бангихона очган Ҳикматни кечиришга илож йўқ. Унинг кимларнидир соғлиғига, кимларнингдир турмушига, баъзиларни касб-корига зомин бўладиган иллатга бош-қош бўлгани гуноҳ. Оғир жиноят.

— Ҳикматга ўхшаган нобакорлар боши урилгандагина ўйлайди, — дейди Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚБ гиёҳвандликка қарши кураш бўлими бошлиги, милиция майори Исроил Тўхтамишев. — Энди у қилган дод-фарёднинг фойдаси йўқ. Жиноят қилдими, жазоланади. Ўйни эса назоратга олганмиз.

— Хонадонларда гиёҳванд модда сақланаётганлигини аниқлаш қийин эмасми, — сўрайман И. Тўхтамишевдан.

— Бунинг махсус йўллари бор. Қолаверса, бизда иккита кинолог штати ажратилган. Иккита ўргатилган итимизни ишга соламиз. «Цевиль», «Эльба» лақабли итлар шу йили мураккаб жойлардан гиёҳванд моддани топиб берди. Наша, кўкнори етиштираётганларга аёвсиз бўлаяпмиз. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Кодексидаям бу каби жиноятга оғир жазо белгиланган. Кўпларни ҳушёр торттириши керак. Аниқланган барча оғулар зудлик билан йўқ қилиб ташланди.

Шукрулла АЛИҚУЛОВ.

* * *

Суратда: таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликлар йўқ қилинмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳуқуқ-тартибот факультетининг 2-курс толиби **Шерзод БЎТАБОЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Маданий моллар» республика ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси «Узкультторг» республика улгуржи савдо идорасининг собиқ директори А. Ф. Алимуҳамедовга ўғли **Алишер Анварович АЛИМУҲАМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ
70 фоизи АҚШдаги конвейердан!
"Konica U-BIX"
нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.
Кафолат - бир йил.
Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.
Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.
Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ТАШКИЛОТ

Германияда ишлаб чиқарилган турли ассортиментдаги қандолатлар: *шоколадлар тўплами, кекс, мармелад* ва бошқа маҳсулотлар **СОТУВИНИ БОШЛАДИ**
Кенг турдаги: *озиқ-овқат маҳсулотлари, шампань виноси, арақ, ликёрлар*, Италия, Греция, Бельгия ҳамда Германияда ишлаб чиқариладиган *винолар* **САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**,
Омборда нархи арзонлаштирилган *ксерокс, факс, компьютер, калькуляторлар* мавжуд.
Мурожаат учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.
Фурқат кўчаси, 1 уй.

МОК «Ташхимсельмашевец» **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

* Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. * Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. * Ҳажми 2 босма табоқ. * Г -- 0436.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21:00. 1 2 3 4 5 6.